**Ушбу сонда:**
**2** *Бир шикоят изидан* ЁРДАМГА МУҲТОЖ «ТЕЗ ЁРДАМ»
**3** TV - ДАСТУРИ
**4** КЕНГ УЙНИНГ КЕЛИНЧАГИ *Ҳикоя*

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 4 ноябр, шанба №161 (993)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## XXI АСРГА 57 КУН ҚОЛДИ

*Йиллар ўтиб кетар биздан сўрамай —*
*Якшанба, душанба, сешанба каби...*
*Ҳа, йиллар ўтади, замон кетади,*
*Сен ва мен қоламиз, азиз биродар.*
*Юрт қолар, эл-улус қолар абадий,*
*Ва биз қувонч ташиб почтальон қадар*
*Йилларнинг саломин йилларга элтиб,*
*Борамиз йўллардан йўлларга ўтиб...*

*Мақсуд ШАЙХЗОДА.*

# ЙЎЛЛАР РАВОНЛИГИ - ЮРТ ОБОДЛИГИ



**Йўл қурган савоб олади, дейди халқимиз. Бу анъана мустақиллик йилларида янада изчил давом эттириб келиняпти. Айниқса, Тошкент шаҳрида йўл қурилишига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Зеро, пойтахтимиз гўзаллиги, йўлларининг равонлиги мафтункор юртимиз қиёфасининг ажралмас қисмидир.**

**3 ноябр куни Тошкентда автомобил қатновини тартибга солиш, йўлларни жаҳон андозаларига мослаш борасидаги ишларнинг яна бир самараси бўлмиш Гавҳар ва ал-Хоразмий кўчаларини ўзаро боғловчи кўприкнинг очилиш маросими бўлди.**

**Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.**

Тошкентнинг Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси орқали «Отчопар» бозорига бориш илгари талай ноқулайликлар туғдирар, йўлнинг ўта тиғизлиги йўловчи ва ҳайдовчилар орасида асаббузарликларга сабаб бўларди. Бу ҳудуддаги йўлларни кенгайтириш, қатновни тартибга солишда муҳим бўлган кўприк қурилиши аввало ана шундай ноқулайликларга барҳам беришни кўзда тутади.

Янги кўприкнинг узунлиги - 248, эни - 20 метр. Унда автомобиллар икки йўналиш бўйлаб тўрт қаторда ҳаракатланиши мумкин. Кўприк қурилиши билан бирга Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси ҳам тубдан таъмирланди. Барча ишлар учун 3,5 миллиард сўм сарфланди. Бу ишларда «Тошйўлқурилиш» тресты, «Автомагистрал» бирлашмаси йўлсозлари билан бир қаторда, вилоятлардан келган қурувчилар ҳам иштирок этди.

Янги кўприк ишга тушиши бу ердан ал-Хоразмий ва Қўйлиқ мавзеларига, Сирғали тумани, Тошкент шаҳрининг бошқа гузарларига боришни анча енгиллаштиради. «Отчопар» бозори ҳудуди, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси ва унга туташ йўллардаги қатнов тартибга тушади ва янада фаоллашади.

Одатда бундай иншоотларни очишда рамзий тасмани Президентимизнинг ўзи қирқарди. Бу сафар давлатимиз раҳбари мазкур шарафли вазифани кўприкнинг очилиш маросимига ташриф буюрган оқсоқолларга топширди. Нуроний отахонларнинг дуоси билан пойтахтимиздаги яна бир муҳим иншоот ишга туширилди.

Ислом Каримов Тошкент шаҳрида, умуман, мамлакатимизда йўлларни тубдан яхшилаш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

- Сўнгги йилларда кўприксозликка катта эътибор қаратиляпти,- деди Президент Ислом Каримов. - Бу, аввало, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб амалга ошириляпти. Бундай янги иншоотларнинг ишга тушиши хавфсизликни таъминлаш, кўпгина янги қулайликлар яратиш билан бирга, йўловчиларнинг узоғини яқин ҳам қиляпти. Биз Тошкент шаҳри ичида янги халқа йўл бунёд этяпмиз. Бу йўл шаҳар четларидан марказга, шунингдек, муҳим объектлар, жумладан, аэропорт ва вокзалларга аввалгидан кўра тез етиб келишни таъминлайди.

Ислом Каримов йўлнинг обод бўлиши унинг атрофи ҳам ободлашувига катта таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, равон ва кенг йўл қурилгандан сўнг унинг бўйида яшовчи одамлар ўз-ўзидан уйлари атрофини янада ботартиб қилишга киришиб кетади. Дарвозалар бўялиб, деворлар оқланади. Гулзорлар барпо қилинади. Натижада нафақат кўча, унинг атрофи ҳам кўзни қувонтирадиган манзара касб этади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ошган сари юртимизни хориж билан боғловчи халқаро магистрал йўллар қурилишига эътибор ҳам кучаймоқда. Айни пайтда маҳаллий коммуникация тармоқларини ривожлантириш эътибордан четда қолаётгани йўқ. Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида ва вилоятларда фойдаланишга топширилаётган замонавий йўллар шундан далолат бериб турибди. Ислом Каримов маҳаллий йўлларни замон талабларига мослаштириш ишларининг кўлами бундан кейин янада кенгайишини таъкидлади. Жумладан, яқин вақтлар ичида Фарғона водийси ва Қорақалпоғистонни ўзаро боғловчи замонавий, катта тезликка мослашган йўл қурилади, деди Президент.

Йўлларини кенгайтириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ўз даврида буюк соҳибқирон Амир Темур фаолиятининг ҳам бир қисми бўлган. Бугун юртимизда бу борада амалга оширилаётган хайрли ишлар боболаримизнинг бунёдкорлик анъаналари замонавий тарзда давом эттирилаётганидан дарак беради. Бунга Тошкентда қад ростлаган яна бир замонавий кўприк мисол бўла олади.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЧИРЧИҚ «ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Аввало, барчангизни, мамлакатимиз саноатининг етакчи корхоналаридан бири бўлган Чирчиқ «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг олтмиш йиллик тўйи билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай унутилмас кунда ўз тарихи, қутлуғ анъаналари ва улкан иқтисодий салоҳиятига эга бўлган бу корхона Ватанимиз халқ хўжалигининг равнақида ҳамиша муҳим ўрин тутиб келганини барчамиз мамнуният билан эътироф этамиз.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида самарадорликни таъминлаш тупроқ таркибини яхшилаш, экинлар ҳосилдорлигини оширишда сиз меҳнат қилаётган бирлашма фаолияти бугунги кунда ҳам беқиёс аҳамиятга эга.

Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ривожига устувор аҳамият берилаётган ҳозирги даврда корхона фаолиятини янада такомиллаштириш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан мамлакат кимё мажмуини, жумладан, «Электркимёсаноат» корхонасини тубдан қайта қуриш дастурининг қўллаб-кувватланаётгани бунинг яққол далилидир.

Бирлашманинг кўпмиллатли жамоаси, унинг заҳматкаш ва фидойи ишчи-хизматчилари эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилиб, ибрат бўлгулик натижаларга эришаётгани ҳаммамиз учун қувончлидир.

Ишончим комилки, бозор муносабатлари шароитида, эркин рақобат муҳитида, янги технологиялар асрида сизларнинг куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз туфайли «Электркимёсаноат» янада қудратли, замонавий корхонага айланади.

Мана шундай олижаноб мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файз-барака, ишларингизга муваффақият тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# АБАДИЙ ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Термиз туманидаги Паттакесар қишлоғида жойлашган Й.Охунбобоев номидаги мактабда Туркманистон мустақиллиги кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Мактаб ўқувчилари икки қардош халқнинг урф-одатлари, тўй-томошаларини акс эттирувчи саҳна кўринишлари, ашула ва рақсларини ижро этди. Ҳар икки халқнинг мустақилликка эришгандан кейинги ютуқлари, асрий дўстлик ва қардошлик негизлари тўғрисида илиқ суҳбатлар қурилди.

1991 йили ушбу мактабда илк бор туркман тилида ўқитиладиган синф очилган эди. Келгуси йили унинг дастлабки қалдирғочлари мустақил ҳаётга йўлланма олади. Бу синфнинг очилиши, ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминланиши, ўқитувчи кадрларнинг қайта тайёрланишида вилоят халқ таълими бошқармаси, маҳаллий ҳокимият яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

**(ЎзА).**

*Истиқлол берган имкон*

***Учқўрғон Наманган вилоятининг ривожланган туманларидан бири. Бу ерда асл соҳибкорлар меҳнат қилишади. Куз пишиқчилигида, боғлар болга тўлганида ноз-неъмат хеч ерга сиғмай кетади. Шундай кезларда кишилар қайта ишлаш корхоналари йўқлигидан афсус қилишарди.***

# УЧҚЎРҒОНЛИКЛАР ОРЗУСИ УШАЛДИ

Истиқлол шарофати билан тадбиркорликка кенг йўл берилди. Уддабурон, ташкилотчи ҳамда билимдон кишилар янгиликка қўл уриб, муаммоларни ҳал этишга эришмоқдалар. Шу тариқа учқўрғонликлар орзуси ушалди.

...Бундан олти йил муқаддам тумандаги «Пиво» ишлаб чиқариш корхонасида иш орқага кетди. Моддий манфаатдорликнинг тайини бўлмагач, кадрлар қўнимсизлиги юзага келди. Бора-бора корхона цехлари ҳувиллаб қолди. Ана шундай бир вазиятда фан номзоди, соҳа мутахассиси Мамасоли Қосимов инқирозга юз тутган корхонага раҳбар бўлиб келди. У малакали мутахассисларни жалб этди. Дастлабки кунларданоқ хориж сармоясини жалб қилишга эътиборни қаратди. Саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Кўп ўтмай «Бизнес-фонд» вилоят бошқармаси, Американинг нуфузли компанияси билан биргаликда «Мева» деб номланган қўшма корхонага асос солинди. Маҳсулот ишлаб чиқариш кутилган даражада йўлга қўйилди. Корхона катта даромад ола бошлади.

Бу орада Мамасоли Қосимов Италия технологияси бўйича қуруқ меваларни қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхонани ишга туширишга муваффақ бўлди. Ҳозирда бу ерда 300 киши меҳнат қилмоқда. Кунига 50 тоннадан ортиқ ҳўл мева аҳолидан қабул қилиниб, қуритилмоқда.

Эътиборли томони шуки, қўшма корхона мутасаддилари Тўрақўрғон, Чуст, Косонсой ва бошқа туманларда катта - кичик саноат корхоналари бунёд этишда ўз маблағлари билан ёрдам беришмоқда.

**А.ҚОРАБОЕВ.**

*Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!*

# ЯНГИ ЦЕХЛАРДА - ЁШЛАР

***Пешку туманида хориж билан ҳамкорликда тузилган ўқув-ахборот ва маслаҳат маркази ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, янги иш ўринлари яратишда ибратли ишларни амалга оширяпти.***

Кўҳна Бухорода қўли гул қизлар жуда кўп. Айниқса, қишлоқларда зардўзлик, каштачилик сирларини пухта эгаллаган чеварлар имкониятидан унумли фойдаланиш, уларни муқим иш билан таъминлаш шу куннинг муҳим вазифаларидандир. Иқтисодий ислоҳот шарофати туфайли қишлоққа саноат дадил кириб бормоқда. Хорижликларни ҳам мафтун этадиган бежирим буюмлар, кийим-кечаклар тайёрланадиган масканлар сони кўпаймоқда.

Бундай хайрли ишларни амалга оширишда вилоят тадбиркор аёллар уюшмасининг ҳиссаси салмоқлидир. Унга моҳир ташкилотчи Дилбар Аҳмедова раҳбарлик қилмоқда. Уддабурон кишиларнинг саъй-ҳаракати туфайли деярли барча туманларда касаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда ўқув-ахборот ва маслаҳат марказлари ташкил этилди. Уларда ёшларга касб ўргатиш билан бирга янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Яна бир эътиборли томони шуки, тадбиркорлар хориж билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамлашяпти.

Шу ўринда бир мисол. Пешку туманидаги Афшона қишлоғида ташкил этилган марказ аъзолари Германиянинг Майне шаҳри ҳунармандлар палатаси билан яқиндан алоқа ўрнатди. Натижада чет эл сармояси жалб этилди. Унга зарур асбоб-ускуналар, хомашё харид қилинди. Туманнинг қўли гул чеварлари ўзларига яратилган имкониятдан унумли фойдаланмоқдалар. Эндиликда Пешку қизлари гилам тўқиш, матоларга жило бахш этиш, ҳатто пойабзал тикишни ҳам қойилмақом қилиб бажармоқдалар. Дилбар опанинг таъкидлашича, яқин вақт ичида аёллар салони, зардўзлик, каштачилик цехлари иш бошлайди. Демак, кўпдан-кўп ёшлар учун янги иш ўринлари яратилади.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ДИННИ НИҚОБ ҚИЛГАН ИМОНСИЗЛАР

*Суд залидан*

***Ислом динининг беш фарзларидан бири ҳаж зиёратидир, умра эса шариатда кичик ҳаж саналади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида одамларнинг ўз диний ибодатларини эркин амалга ошириши учун яратиб берилган шароит туфайли минглаб юртдошларимиз ана шундай муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб қайтмоқда. Кимдир заҳматли меҳнати билан умр бўйи муборак сафар умидида маблағ тўплайди, аммо ўз жиноий ниятларига эришиш учун одамларнинг ўша пулига кўз олайтириб, ҳеч шубҳасиз, гуноҳи азимга ботганлар ҳам бор экан.***

Маълум бўлмоқдаки, ўзини «Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб аталмиш иддоали гуруҳ пешволари деб атаётган Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев ва уларнинг ҳамтовоқлари учун, аслида, мусулмонларнинг ана шундай хайрли мақсад йўлида йиққан жамғармаларини тортиб олиш одат тусига кирган экан. Улар бу йўлда бегуноҳ мўъминларнинг қонини тўкиш, қийнаш, ўлдириш ва талашдан ҳам тоймаганлар. Шунинг ўзиёқ, бу «шариат учун курашчилар»нинг даъволарини йўққа чиқаради.

Раҳнамоларининг топшириғига биноан Козим Зокиров бошчилигидаги қуролланган гуруҳнинг 3 нафар аъзоси 1997 йилнинг январида андижонлик Бурҳониддин Ҳакимов хонадонига бостириб кириб, уй эгаси ва рафиқасини қаттиқ калтаклайди. Отиб ташлаш билан пўписа қилиб, Б.Ҳакимовнинг кўп йиллар орзу қилган умра сафари учун йиққан пулларини, қимматбаҳо буюмларини тортиб олади.

Худди шу гуруҳнинг 8 нафар аъзоси Малика Холматованинг уйига ҳам босқинчилик уюштирган. Жиноятчилар аёл ва эрини калтаклаб, чидаб бўлмас қийноқларга солган. Қайнона-қайнотасини умрага жўнатиш учун тўплаган маблағини тортиб олиб, қурол-яроғ сотиб олишга, демакки, қон тўкишга сарфлаган.

Ана шундай қотиллик ва талончилик билан қўлга киритилган бойликни ўзаринча «байтул мол» деб атовчи жамғарма орқали Т.Йўлдошевга етказиб турган жиноятчилар 1996-97 йилларда Наманган ва Андижон вилоятларида ўнлаб одамларнинг умрига зомин бўлган.

Чунончи, улар 1997 йилнинг 2 декабр куни Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими Боқижон Убайдуллаевни оила аъзолари кўз ўнгида ўлдириб, бошини танасидан жудо этган. Умуман, Наманган вилоятида Тоҳир Йўлдошев ва унинг тарафдорлари тузган жиноий гуруҳ томонидан 17 та босқинчилик ва қотиллик содир этилган.

Жиноятчилар 1997 йилнинг 23 март куни Андижон шаҳрида милиция ходими Одил Ризаевнинг уйига бостириб кириб, унинг ўзини, онаси, хотини ва икки ўғлини ваҳшийларча ўлдирган. Андижон вилоятида жами 12 оилага нисбатан босқинчилик амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида давом этаётган суд жараёнида 3 ноябр куни асосан ана шундай жиноятлар боис ҳаётдан кўз юмганларнинг яқинлари, жабрланганлар, гувоҳлар кўрсатма берди.

Суд давом этмоқда.

**(ЎзА).**

*Муаммо кўндаланг қўйилади*

***Одил судловни таъминлашда адвокатларнинг алоҳида ўрни бор. Демократик-ҳуқуқий давлат сари дадил одимлаётган мустақил Ўзбекистонимизда адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. «Адвокатура тўғрисида» ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилганлиги шу фикр тасдиғидир.***

# АДВОКАТЛАР

## қандай шароитда ишлашяпти?

Хўш, Фарғона вилоятида улар қандай шароитда ишлашяпти? Бу саволга аниқ жавоб бериш учун республика адвокатлар ассоциацияси вилоят ҳайъатининг Олтиариқ туманида фаолият кўрсатаётган шоҳобчадаги аҳвол билан танишайлик.

Муҳташам суд биносининг орқа тарафидаги кўримсиз уйда туман ҳуқуқий маслаҳатхонаси жойлашган. Очиғи, бу бинога яқинлашсангиз, худди эгаси кўчиб кетган хонадонга дуч келгандек бўласиз. Бечораҳол бино деворлари зах тортиб, сувоқлари кўча бошлаган. Эшик ва айвонча устунлари ҳам бир ҳолатда. Бино ичида каталакдек учта хона. Бошлиқ ёрдамчиси ўтирган хонага битта мижоз аранг сиғади. Кутиш залида бирорта ўриндиқ йўқ.

— Илгари бу бинода нотариал идора фаолият юритган, - дейди ҳуқуқий маслаҳатхона бошлиғи А.Комилов. - Тамоман яроқсиз иморатни ноиложликдан ихтиёримизга олиб, баҳоли-қудрат таъмирладик. Ўзимиз хоналарга иситиш тармоғини ўтказдик. Начора, шу шароитда ҳам ишлашга шукур қиляпмиз.

Афтидан туман раҳбарларидан ҳеч ким яқин орада бу гўшага қадам ранжида қилмаган кўринади. Акс ҳолда, одил судловни таъминлашда муҳим аҳамият касб этган кишиларга нисбатан бундай муносабатда бўлинмасди. Аслида, тумандаги мавжуд имкониятни ҳисобга олсак, адвокатлар учун ихчам ва кўркам бино қуриш мумкин. Таассуфки, бундай нохуш манзара нафақат Олтиариқда, балки вилоятнинг аксарият ҳудудларида ҳам мавжуд. Бирорта ҳуқуқий маслаҳатхона ибрат бўладиган даражадаги замонавий бинога эга эмас. Ҳатто адвокатлар ассоциацияси вилоят ҳайъати ҳам шаҳар кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти биносида ижарада туриб, иш юритаётганига нима дейсиз? Шу ўринда ҳақли эътироз: Наманган ва Қашқадарёда топилган имконият наҳотки Фарғонада йўқ бўлса?

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонунга кўра жойларда адвокатлик бюроси (хусусий адвокат) ҳам шакллана бошлади. Хўш, уларда аҳвол қалай? Саволимизга тажрибали ҳуқуқшунос жавоби шундай бўлди:

— Ҳамкасбларимиз хусусий хизмат йўналишини афзал билишаётгани бежиз эмас. Аввало, уларда маош ҳам, шароит ҳам яхши. Унутмаслигимиз керак, биз баъзида холис хизмат қилишимизга, мижозларнинг оилавий шароитини ҳисобга олишимизга тўғри келади.

Равшанки, адвокатлар ҳайъати тизимида йиғиладиган маблағ соҳа мутахассисларининг меҳнат шароитини яхшилаш имконини бермайди.

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида жумладан шундай дейилади: «...Давлат адвокатурани фуқаролар мурожаат этиши учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан белгиланган тартибда таъминлайди».

Адвокатурага коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бошқа имтиёзлар берилиши мумкин».

Модомики, шундай экан, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролар, раҳбару мутахассислар ўртасида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданиятни тарғибот қилувчи бағоят муҳим тизимни қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароитни яратиб бериш ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Раҳимжон ҲОМИДОВ,**
**журналист.**

# МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

*Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги*

*Каромат Рустамова номли ширкат хўжалиги Китоб туманининг энг хушманзара ерларида жойлашган. Хўжалик маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси инсон омилига алоҳида эътибор бермоқда. Иш шароитини яхшилаш, ижтимоий муҳофазани янада кучайтириш, иқтисодиётни юксалтириш, қайта ишлаш корхоналари очиб, ёшларни муқим иш билан тўла таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилаяпти.*

*Саъй-ҳаракат кутилган натижани бермоқда. Хўжалик ҳар томонлама юксалиб, қишлоқлар чирой очмоқда. Энди бу маскандан ажойиб спортчилар, тадбиркорлар, илм аҳллари етишиб чиқмоқда.*

*Қуйида маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлигида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.*

*Ислоҳот инсон учун*

**Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси. Бунга ҳар бир меҳнаткаш чуқур ишонч ҳосил қилиши учун ҳаёт синовидан ўтишимиз керак. Касабақўм раиси сифатида маҳаллаларда, хонадонларда тез-тез бўлиб, кишиларимиз яшаш шароити, орзу-интилишлари, қолаверса, муаммолардан бохабар бўлиб бораман. Хўжалик маъмурияти, фаоллари билан ҳамжиҳатликда ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор беряпмиз.**

## МЕҲНАТКАШ ЧЕҲРАСИДА ТАБАССУМ

Сўнгги йилларда деҳқонларимиз дунёқараши, ишга муносабатида катта ўзгаришлар рўй берди. Муҳими, ҳар биримизнинг қалбимизда миллий ғурур жўш урмоқда. Ерга эгалик ҳисси кучайиши, пудрат шарофати ила моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги хайрли ташаббусларга қанот бўляпти. Эндиликда одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладилар ва уни ҳимоя қила оладилар. Қолаверса, улар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинганликларини қалбдан ҳис қилишмоқда. Шу боис, кўнгил тўқ, ирода мустаҳкам, эртанги кунга комил ишонч билан боқишмоқда. Масалан, жорий йилнинг тўққиз ойида юздан зиёд кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга 630 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Соғломлаштириш тадбирлари учун қарийб 500 минг сўм сарфланди.

Қишлоқларимиз чирой очди, маданий-маиший хизмат муассасалари кўпайди. Энди фаровон ҳаёт кечириш учун барча имконият мавжуд. Нуронийлар тўю маъракаларга бош-қош. Ҳар бир тадбирни камчиқим, бир умрга эсда қоларли қилиб ўтказяпмиз. Касаба уюшма фаоллари ёшлар ўртасида тарғибот ишларини уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Қисқа вақт ичида 200 та янги иш ўринлари яратилганлиги ана шу ҳамжиҳатлик мевасидир. Хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан бақувват. Бироқ, бу барча камчиликлар барҳам топди, деган гап эмас. Аёллар меҳнатини қадрлаш, уларга қўшимча имтиёзлар яратиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Кўп нарса кайфиятга боғлиқ. Бунинг учун инсон қадр-қимматини ҳамиша устун қўя билишимиз керак.

**Ғайрат ОБИДОВ,**
**касаба уюшма қўмитаси раиси.**



Илғор пудратчи Жамол Мейлинов ташаббус кўрсатиб ишлаб, катта даромад эгаси бўлди. Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳам миришкор деҳқонни муносиб тақдирлаб, уни эллик фоиз арзонига енгил автомашина билан мукофотлади.

**Суратда: Мукофотга берилган «Тико» калити топширилмоқда.**

**Шавкат СУЛТОН олган сурат.**

*Соғлом турмуш тарзи*

## ИШДАН СЎНГ СПОРТ ТЎГАРАКЛАРИГА

**Очиғи, яқин орада бунчалик кўтаринкиликни бошдан кечирмагандим. Сабаби ўтган йили ташкил этилган «Умид» футбол командамиз туман мусобақаларида ғолиб чиқиб, вилоят биринчилигига йўлланма олди.**

Албатта, бу ютуқ бирданига қўлга киритилмади. Бир неча йил мобайнида қурилган пойдевор устига яхши умидлар билан илк ғиштлар қўйилди. Жамоамизни «Умид» деб номлаганимиз ҳам бежиз эмас. Аслида бу муваффақият хўжалик қишлоқларида футболни оммалаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар мевасидир. Чунки қишлоқ жамоалари ўртасида мунтазам равишда мусобақалар ташкил этилган бўлиб, ғолиб команда 30 минг сўм пул ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилади.

Умуман олганда, хўжаликда соғлом турмуш тарзига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир қишлоқда шахмат-шашка, миллий кураш, футбол ва бошқа кўплаб спорт турлари бўйича секциялар ишлаб турибди. Бунинг самараси ўлароқ Пирим Ҳазратов, Мўйсин Қўчқоров, Авлоберди Эрназаров, Турдипўлат Имомов, Ҳошим Примов, Қўлдош Эргашев каби спорт усталари етишиб чиқдики, улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Қолаверса, спорт нафақат бўш вақтни мазмунли ўтказиш ва жисмоний жиҳатдан камолга етишгина эмас, у айни вақтда ҳар хил ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ўзига хос омил ҳамдир. Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада «Ўз уйингни ўзинг асра!» шиори остида халқ посбонлари фаолият кўрсатмоқда. Ва айтиш лозимки, уларнинг аксариятини спортчилар ташкил этади. Зеро, ҳудудимизда ўрнатилган тартиб-интизом ва осойишталикда, шубҳасиз, бизнинг ҳам ҳиссамиз бор.

Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, хўжалик маъмурияти ва касабақўм спортни янада ривожлантириш эҳтиёжлари учун ҳеч нарсани аямаётир. Бу табиий. Чунки соғлом турмуш тарзи фуқаролар онгига сингган сайин улар ўртасида касалланиш ҳоллари кескин камайиб, иш унуми ошмоқда.

**Убайдулла НЕЪМАТОВ,**
**Жисмоний тарбия ва спорт ишлари йўриқчиси.**

*Рағбат*

## ТАНЛОВ ҒОЛИБИГА - 100 МИНГ СЎМ

Салкам йигирма йилдан бери ўқитувчилик қиламан. Лекин фақат истиқлолдан кейин меҳнатимиз қадр топди, десам янглишмайман. Айниқса, сўнгги пайтларда биз - таълим соҳаси кишиларига эътибор кучайди. Ҳаммасидан ҳам мактабни жорий таъмирлаш ташвишларидан қутулганимизни айтмайсизми! Бу ишларни энди тўлалигича хўжалик ўз зиммасига олди.

Энг муҳими, ўқитувчиларда юксак масъулият ва рағбат пайдо бўлди. Шу йилнинг ўзида хўжалик ҳудудидаги 7 та ўрта мактаб ўқувчилари оромгоҳларда дам олишлари ҳамда ўқув қуроллари билан таъминланишлари учун 540 минг сўм ажратилди. Бугина эмас. Хўжалик раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ўқувчиларимиз республика миқёсидаги танловларда биринчи ўринни олган тақдирда ғолибга ва уни танловга тайёрлаган ўқитувчига 100 минг сўмдан мукофот бериладиган бўлди. Бу ёшларни аъло ўқишга чорлабгина қолмай, келажакда етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун ҳам муҳим омил бўлади.

**Саъдулло САМАДОВ,**
**ўқитувчи.**

*Эзгу ният*

## ОНАЛАР ТИНЧЛИК ИСТАЙДИ

Ўн фарзанднинг бахтли онасиман. Юртимизда, вилоятимизда кунда бир ўзгариш бўлаётганини кўриб қувонаман. Очиғи, истиқлол қадр-қимматимизни ўрнига қўйди. Бир вақтлар катта оиладан 12-14 киши ишлаб биримиз икки бўлмади. Тузукроқ бошпана ҳам қуролмадик. Мана энди ҳамма бизга ҳавас қиляпти. Биламан, бу кунларга эришишнинг ўзи бўлмади. Меҳрибон Президентимиз, ҳукуматимиз фахрийлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган кишиларни ўз қаноти остига олди. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч нарсадан камчилик сезмадик. Пенсиямизнинг ўзи неча бор оширилди. Ахир, мамлакат миқёсида олганда, бунинг учун жуда катта маблағ талаб қилинади.

Ўз ерининг ҳақиқий хўжайини бўлиб, бола-чақамиз билан меҳнат қиляпмиз. Не бахтки, хўжалигимиз энг бой жамоалардан бирига айланди. Раиснинг айтишича, ўтган йили узумнинг ўзидан 36 миллион сўм соф фойда олинибди. Боғдорчилик, ҳунармандчилик ривожланиб боряпти.

Четга маҳсулот сотишнинг нафи катта экан. Барнаул ва Санкт-Петербургга хўжалик 300 тоннадан ортиқ узум жўнатди. Бунинг эвазига Русиядан ажойиб ускуналар келтириб, янги-янги кичик корхоналар барпо этиш режалаштирилмоқда. Бизга энди тинчлик-хотиржамликдан бошқа ҳеч нарса керакмас. Қолганига ҳалол меҳнат билан эришаверамиз.

**Ҳанифа ая ШАРОПОВА,**
**меҳнат фахрийси.**

*Газета саҳифаланаётганда*

## ТАШАББУС

Қашқадарё вилоятидан хушхабар келди. Унда айтилишича, Китоб тумани Каромат Рустамова номли ширкат хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси 2001 йил учун «Ишонч» газетасига 36 нусхада обуна бўлишга ва уларни қишлоқ фуқаролар йиғини, мактаблар ва меҳнатда ўзини кўрсатган кишиларга мукофот тариқасида беришга қарор қилишибди.

*Фахр*

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛИ

Бир неча йилдан буён ярим гектар токзорни ижарага олиб ишлайман. Худога шукр, уйимга барака кирди. Саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетмади, 250 минг сўмдан зиёд даромад олдик.

Мен ва бошқа пудратчилар ҳам бир нарсага ишонч ҳосил қилдик: яхши меҳнат самарасини энг аввало ўзимиз кўрар эканмиз. Хўжалигимиз оёққа туриб олгани сайин ижтимоий ҳимояга ажратиладиган маблағлар ҳам тобора ортиб бормоқда. Мана ўзимдан мисол. Ўғлим Тошкент тиббиёт институтига шартнома асосида ўқишга кирди. Қанчалар қувонганим, айни чоғда хаёлга ботганимни бир ўзиму оиламиз аъзолари билади. Йўқ, ўқиш учун зарур бўлган 258 минг сўм пулни хўжалик тўлади. Билсам, менга ўхшаганлар анчагина экан. Жами 74 нафар талабага хўжалик ҳисобидан шартнома асосида 4 миллион сўмдан ортиқ пул ўтказилибди.

- Эҳтимол, йигит ва қизларимизнинг айримлари билим кетидан қувиб катта олим бўлиб, катта шаҳарларда қолиб кетар, - дейди хўжалик раҳбаримиз Абдували Ваҳобов. - Нима қилибди, бари шу жонажон юрт учун хизмат қилади-ку!

Айни пайтда олий баҳоларга ўқиётган талабаларга Каромат Рустамова номидаги стипендия таъсис этилган. Худди шундай стипендияни мактабларда ўқиётган аълочи ўқувчилар ҳам олишмоқда.

**Зебинисо ЎРИНОВА,**
**пудратчи.**

## ЁРДАМГА МУҲТОЖ «ТЕЗ ЁРДАМ»

*ёки зангиоталиклар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматдан нега норози?*

**Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мақсадида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиқ, соҳада туб таркибий ўзгаришлар юз бермоқда. Аммо бу борада жиддий камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.**

«Сўнгги вақтларда бизда тиббий тез ёрдам кўрсатишнинг аҳволи жуда ёмонлашиб кетди,- деб ёзади Зангиота тумани Ўртаовул қўрғонидаги «Ўзбекистон» маҳалласи аҳли ЎзА мухбирига ёзган шикоят хатида. - Бу ерда мурожаат қилувчилар учун ҳеч қандай қулайлик йўқ. «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилсак, кўпинча жавоб бермайди, бир амаллаб боғлансак, бензин йўқ, дори-дармон йўқ, деб баҳона қилишади. Оддий шприцдан тортиб, барча дориларни ўзимиз топиб боришимиз керак...»

Шикоят баҳона туманда бўлиб, соғлиқни сақлаш, хусусан, «Тез ёрдам» бўлими фаолияти билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. Аҳоли ва шифокорлар билан суҳбатда бўлдик.

- Бу хат уюштирилган,- дейди бизнинг ташрифимиздан хабар топиб, зудлик билан етиб келган туман ҳокимининг ўринбосари Т.Файзиев тутоққанича, - тўғри, камчиликларимиз, муаммоларимиз бор. Уларни бартараф этишнинг чораларини кўряпмиз. Аммо, биласизми, Ўртаовулда кейинги пайтда «ёзувчилар» кўпайиб кетди. Ҳали у, деб, ҳали бу, деб арзимаган камчиликни рўкач қилиб, турли идораларга ёзишгани-ёзишган. Бу биринчиси эмас. Газеталардан, ҳатто, телевидениедан ҳам бир неча марта келиб кетишди. Бироқ бу умумий ишимизга халақит берса беряптики, фойдаси бўлмаяпти. Одамларни уч-тўрт марта йиғиб тушунтирдик. Барибир, кимларнингдир гапига кириб, яна ёзишибдида. Билмадим, бу гал нима мақсадда шундай қилишди экан?

Балки ҳоким муовини ҳақдир, деб ўйларсиз. Аммо биз у билан учрашгунга қадар аҳвол билан танишиб, айрим масалаларни ойдинлаштиришга улгурган эдик. Бу борада ҳоким муовинидан кўра, шикоятчиларнинг сўзлари чин бўлиб чиқди. Жумладан, Ўртаовулдаги «Тез ёрдам» хизматидан норози бўлиб, таҳририятдан ёрдам сўраб шикоят ёзган 2-уй 60-хонадонда яшовчи Олим Содиқовнинг уйида бўлганимизда, бизни рафиқаси Р.Содиқова қарши олди.

- У киши ҳозир шаҳар шифохонасида,- дейди Робия опа йиғламоқдан бери бўлиб.- Афғонистонда хизмат қилган. Ўша ердан оғир дардни орттириб қайтган. Дстлабки йиллари билинмасди, тузуккина ишлаб юрувди. Ҳайдовчилик қиларди. Сўнгги пайтларда касали оғирлашиб қолди. Баъзан шундоққина биқинимиздаги «Тез ёрдам» пунктига чиқишга тўғри келади. Аммо у ердагилар турли баҳоналар қилиб, ёрдам қилишни истамайди.

Икки нафар фарзандимиз бор. Адаси ҳозир ишламайди. Яқингача иккинчи гуруҳ ногирони сифатида нафақа олиб турганди. У ҳам тугади. Энди тиббий комиссиядан ўтиб, нафақа муддатини чўздириши лозим. Аммо шифокорларнинг сарсон қилишидан безиб қолган. Чунки улар ёрдам қилиш, дардига малҳам бўлиш ўрнига «Сенга ким Афғонистонга бор девди», деб устидан кулишади. Ҳеч ким ёрдам қилай, демайди. Ахир, эрим Афғонистонга ўз хоҳиши билан бормаган-ку.

Робия опа билан суҳбатлашгач, туман марказий шифохонаси «Тез ёрдам» бўлими Ўртаовул шохобчасида бўлдик. Кўп қаватли уйнинг биринчи қаватидаги икки хонали хонадонга жойлашган мазкур муассасада бизни диспетчер Ҳалима Қодирова кутиб олди.

- Қўрғондаги тўрт ярим минг аҳолига хизмат кўрсатамиз,-деди у биз билан суҳбатда.- Кунига ўн-ўн икки нафар бемор мурожаат қилади. Чинданам, дори-дармон тақчил. Битта машина бор эди, ҳозир у ҳам бузилган.

Шу куни шохобчада шикоятда тилга олинган фельдшер Ибодат Хайруллаеванинг навбатчилиги экан. Аммо соат кундузги ўн иккиларга яқинлашган бўлишига қарамай, нимагадир кўринмасди. Келиш-келмаслиги ҳам номаълум. Қизиқ, шошилинч чақирув бўлиб қолса, ким боради, беморни ким кўриб келар экан?

- Ўзим бориб кўриб, лозим бўлса укол қилиб келавераман,- дейди Ҳ.Қодирова бамайлихотир.

- Дори-дармон йўқ, деяпсиз, бунинг устига сиз ҳам кетиб қолсангиз, бу ерда ким қолади?

- Ҳечқиси йўқ, кутиб туришади. Дори-дармон сотадиганлар кўп. Керак бўлса ўшалардан олишади.

Шу пайт шохобчага бир кампир шошиб кириб келди. Ўзини Циганкова деб таништирган бу аёлнинг невараси уйида иситмалаб ётган экан. Салгина олдин «Тез ёрдам»га телефон қилиб, «Боролмаймиз, барибир, дори-дармон йўқ», деган жавобни эшитган бўлса-да, чопиб келаверибди. «Нима қилсам экан, 10-уйда дори сотадиганлар бор, деб эшитдим, аксига олиб пулим ҳам йўқ, энди кимга бораман?..» дейди қария ноилож ташқарига чиқаркан.

Маҳалла қўмитаси раиси Сайидолим Мусаев билан ҳам учрашдик.

- Қўрғонда муаммолар етарли, - дейди у. - Мана, 1-уйда йигирма кундан бери чироқ йўқ. Қиш мавсуми яқинлашаяпти, аммо уйларни иситиш муаммоси ҳануз ҳал бўлган эмас. Иссиқ сув ҳақида-ку, гапирмасаям бўлади. «Тез ёрдам» ҳам кўнгилдагидай хизмат кўрсатмаяпти. Дори-дармон йўқ, бензин йўқ, деб баҳона қилишлари, оддий муолажа қилиш учун ҳам уялмай пул сўрашлари бор гап».

Унинг бу фикрини пенсионер Ринат Гинатуллин ҳам бош ирғаб тасдиқлайди: «Давлат дори-дармон ажратса керак? Қаёққа гумдон қилишяпти булар, ҳеч ким билмайди!»

Шундан сўнг «Тез ёрдам» бўлимининг «Эркин» шохобчасида ҳам бўлдик. Лекин бу ерда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Фельдшер М.Раҳимованинг айтишича, қон босими учун икки хил таблетка, озроқ пахта ва шунга ўхшаган дори-дармонлар бор, холос. Укол қилишда кўп марталик шприцдан фойдаланишар, беморлар хоҳласа, бир марталигини ишлатар эканлар. Табиийки, бундай ҳолда ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

Ўртаовул касалхонасида бўлганимизда ҳам шу муаммога дуч келдик. «Дард экан, шу йилнинг ўзида бешинчи марта бу ерда ётишим. Ҳар даволанишимга 30-35 мингдан кетяпти. Шифохонада айтарли ҳеч қандай дори-дармон беришмайди. Болаларим, ноилож, емай-ичмай, топиб келишяпти»,- дейди бемор Абдулла Буваев куюниб. Унинг гапини шу ерда даволанаётган Ёқуб Ҳотамов ҳам тасдиқлади: «Арзимаган витамин, дибазол беришади, асосий дориларни эса ўзимиз сотиб оляпмиз».

Маълумки, давлатга қарашли тиббиёт муассасаларида аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатишни ҳали ҳеч ким бекор этган эмас. Хусусий касалхоналардан ташқари деярли ҳамма даволаш-профилактика муассасалари шундай. Аммо биз туманда ким билан гаплашмайлик, бунинг аксини айтади. Наҳотки, Зангиотада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш норасмий тарзда, аллақачон пуллик шаклга ўтиб кетган бўлса?

Туман марказий касалхонаси бош ҳисобчиси А.Иноғомов берган маълумотлардан шу нарса аниқ бўлдики, шу йилнинг ўтган тўққиз ойи учун дори-дармонга ажратилган 19 миллион 256,2 минг сўмнинг қарийиб ҳаммаси, яъни 19 миллион 210,2 минг сўми сарф қилинган. «Тез ёрдам» бўлимига эса 599 минг 985 сўмлик дори-дармон тарқатилган. Ўз-ўзидан савол туғилади. Бу дори-дармонлар қай йўсинда ишлатиляпти? Уни назорат қилиб турishадими?

Яна рақамларга мурожаат қиламиз: Ўртаовул шохобчасига шу йилнинг 1 сентябридан 12 октябригача бор-йўғи 29 флакон демидрол, 18 флакон дибазол, 200 грамм пахта, 90 грамм 70 фоизли спирт, беш дона бинт, икки ампуладан аналгин, магнезий ва эуфилин, тўрт ампула панаверин, 50 миллиграмм йод ва шунга ўхшаган арзимаган нарсалар берилган, холос. Энг ачинарлиси, мана шу берилган дори-дармонлар ҳам тез ёрдам шохобчасида ҳеч қандай рўйхатга олинмасдан гум бўлган. Қолаверса, тўрт ярим минг аҳолига хизмат кўрсатувчи муассаса учун қирқ кунда бор-йўғи беш дона бинт ёки икки ампула аналгин ажратилгани кулгили эмасми?

- Йил бошида режалаштирилган маблағлар йил охирига келиб етмай қоляпти, смета ҳужжатларида инфляция ҳисобга олинмаган. Буни қоплаш учун қўшимча равишда маблағ сўрасак, молия бўлимидагилар ўтказиб беришмайди,- дейди туман марказий касалхонаси бош шифокори Ҳамида Эргашева аҳволни изоҳлашга уринар экан.

Биз туман марказий касалхонаси бош шифокорини ноҳақликда айбламоқчимасмиз. Аммо ҳозир йилнинг охири эмас қолаверса, тўққиз ой давомида ажратилган дори-дармонларнинг ўзи йўқ-ку? Бу саволларимизга жавоб олишга улгурмадик.

- Кимдир сизга нотўғри маълумот берибди. Мен туманимизда тиббиёт соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган деёлмайман. Вазирлик, бошқарма, ҳокимлик билан бирга жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилмоқда, - дейди суҳбатимизга шоша-пиша қўшиларкан туман ҳокимининг ўринбосари Т.Файзиев. - Мана, масалан, Ўртаовул шифохонаси ўзини оқламагани учун ёпиб, ўрнига «Шошилинч тиббий ёрдам маркази» очяпмиз...

Хуллас, режалар жуда чиройли. Лекин улар қачон амалга ошади, ҳозирча буни мутасаддилар билмайди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: Зангиота бугунги кунда иқтисодий салоҳияти ошиб бораётган туманлардан саналади. Корхона ва хўжаликларда соф фойда миқдори тобора кўпаяётгани бот-бот тилга олинмоқда. Аммо бундан аҳолига қанчалик наф тегмоқда? Фойданинг бир қисмини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, даволаш-профилактика муассасаларига ҳомийлик ёрдамини кучайтиришга ким тўсқинлик қилмоқда? Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида фақат давлатнинг қўлига қараб ўтириш билан иш битмаслиги барчага аён.

**Н.ДУШАЕВ, Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

